

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ МОЛИЯВИЙ
ҲИСОБИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим
соҳасидаги 5А340904 – “Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва
таҳлили” магистратура мутахассислиги учун**

Ташкент – 2003

Тузувчи: доц. Қўзиёв И.Н.
Тақризчилар: доц. Ҳамдамов Б.,
проф. Ҳасанов Б.А.

Ушбу дастурда халқаро стандартлар асосида мамлакатимизда ҳисобни ташкил қилиш доирасидаги «**Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби**» фанига доир тегишли услубий ахборотлар қамраб олинган.

Жумладан, фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, уни ўрганиш бўйича талаблар, магистрантлар эгаллашлари керак бўлган назарий билим, амалий кўникма ва малакалар ҳажми фанни ўқитишда фойдаланиш зарур бўлган янги технологиялар, адабиётлар рўйхати, маъруза ва амалий машғулотлар мазмуни атрофлича ёритилган.

В данной программе охвачена важная методическая информация, касающаяся дисциплины «Финансовый учет внешне-экономической деятельности».

В частности, всесторонне раскрыты цели и задачи обучения, объем теоретических знаний и практических навыков, которыми должны владеть магистранты, а также новые технологии, список литературы, содержание лекционных и практических занятий.

The given program concludes the important methodical information, concerning the discipline «Financial account of foreign trade activity».

In particular the purposes and tasks of training, theoretical background scope and practical skills, the students need to have own, and also new technologies, the list of the literature, the contents of lecture and practical classes are included.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлараро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль, 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиёти негизида халқаро муносабатлар ҳам ривожланиб борди. Шу боисдан ҳар томонлама билимдон иқтисодчи-мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ҳам аҳамияти ортмовда. Бу иқтисодчилар мамлакатимиз бойлигининг бутлигини таъминлаб, уни кўпайтириш ва янада самарали фойдаланиш имкониятларига эга бўлишлари зарур.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

«Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби» фанининг мақсади ташқи фаолиятда молиявий ҳисобни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари, вазифалари, тамойиллари ва усуллари ҳамда муаммолари билан магистрантларни таништиришдан иборат.

Фан бўйича магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Магистрант «Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисоб» фани юзасидан қуйидаги тушунчалар моҳиятини билиши керак:

- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналар ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари;
- ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобнинг ўзига хос хусусиятлари;
- ташқи иқтисодий фаолиятда ҳужжатларнинг айланиш тартиби;
- экспорт ва импорт операцияларининг ўзига хос хусусиятлари;
- экспорт операциялари ҳисоби;
- импорт операциялари;
- реэкспорт операциялари;
- реимпорт операциялари;
- экспорт операциялари бўйича харажатлар ҳисобини ўзига хос хусусиятлари;
- импорт операциялари бўйича харажатлар ҳисобини ўзига хос хусусиятлари;
- божхона тўловлари ва тартиби;
- валюта операциялари ва курслар ўртасидаги фарқларининг ҳисоби;
- ташқи иқтисодий фаолиятда бўйича молиявий натижаларни шаклланишини ўзига хос хусусиятлари;
- ташқи иқтисодий фаолият бўйича молиявий натижалар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари.

Магистрант қуйидагилардан фойдалана олиши керак:

- ташқи иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисобининг усул ва услубиятларидан;
- ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобни юритишда халқаро стандартларидан;
- жаҳон бозорининг талаб ва таклифларини ўрганиш ва таҳлил усулларидан;
- хорижий шерикларнинг талаб ва таклифларини ўрганиш усулларидан;
- халқаро ҳисоб-китобларни ташкил қилиш усулларидан;
- ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ ҳужжатларнинг айланиш тартибидан;
- ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ молиявий натижаларни шакллантириш усулларидан.

Магистрант қуйидаги малакага эга бўлиши керак:

- Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият ва уни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонун-қоидалар, кўрсатма ва Низомлардан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги ҳисоб тизими ва уни ташкил қилиш бўйича қабул қилинган қонун, стандарт, кўрсатма, Низомлар бўйича ахборот бера олиш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг ўзига хос ҳисоб сиёсатини юритиш хусусиятини таҳлил қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг мулклари шу жумладан, моддий ва меҳнат заҳираларидан самарали фойдаланиш усуллари моҳиятини тушунтириб бера олиш.

Мазкур фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги

«Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисоб» фани ўқув режадаги қуйидаги фанлар билан яқин алоқада бўлади: «Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқарув ҳисоби», «Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий таҳлил», «Ташқи иқтисодий фаолиятда бошқарув таҳлили», «Ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисобот», «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби», «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари», «Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари».

Фанни ўқитишда инновацион технологиялар

«Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби» фанини ўқитишда фаннинг, магистратура таълимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олинган инновацион усуллар қўлланилади. Очик ва муаммоли дарсларни ташкил қилиш, компьютер техникаси ва интернет тизими ҳамда вертуал кутубхонадан фойдаланиш, ишбилармонлик ўйинлари, давра суҳбатлари, кейс-стадилардан фойдаланиш шулар жумласидандир.

«Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби» фанини ўқитишда фойдаланиладиган инновацион технологиянинг таркибмй қисмлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув мақсад ва вазифалари каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- таянч ибораларни ишлаб чиқиб, магистрантлар томонидан чуқур ўзлаштирилишига эришиш;
- магистрантларга «1С:Бухгалтерия», «Турбо-Бухгалтерия» ва бошқа дастурлар билан ишлаш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш.

Фанни ўқитиш босқичи ва услубий кўрсатмалари

«Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби» фани иккинчи курснинг биринчи семестрида ўқитилади.

«Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби» фанини чуқур эгаллашда эса, қуйидаги фанларни ўқиб ўрганиш муҳим илмий аҳамият касб этади: «Бухгалтерия ҳисобининг назарияси», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби», «Корхона хўжалик фаолияти таҳлиши», «Аудит», «ТИФда бухгалтерия ҳисоби» ва бошқалар.

Фанни ўрганишда илмий-амалий маълумотлар, янгиликлар ва тажрибалардан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

Фанни ўрганишда хорижий иқтисодчи олимларнинг «Ҳисоб», «Ҳисобот», «Таҳлил» ва «Аудит» фанлари бўйича бажарган илмий ишларни ўрганиш талаб этилади.

Профессор-ўқитувчининг вазифаси фанга тааллуқли янгиликлар билан доимо танишиб бориш ва изланиш ҳамда бу ҳавда талабаларга маълумотларни етказиб беришдир. Ўқув жараёнини ўзлаштиришни бфҳолаш рейтинг тизими асосида ташкил қилинади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

Ўқув юқламасининг умумий ҳажми ва тақсимоти "Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби" фани бўйича жами 152, шундан 76 - маъруза, 76 - амалий машғулот 76 - соат мустақил таълимга ажратилган.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулотларининг мавзулари

Фаннинг предмети ва вазифалари

Ташқи иқтисодий фаолиятда олиб бориладиган ҳисобот сиёсати

«Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобот» фанининг вужудга келиши ва вазифалари. Ҳисоб сиёсати тўғрисида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг 1-миллмй стандарти ва унинг мазмуни. Ҳисоб смёсатининг корхонани бошқаришдаги вазифаси ва ўрни. *Ҳисоб сиёсатига таъсир этувчи омиллар*. Ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисоб сиёсатини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобни ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий ҳисоби фанининг предмети, объекти ва усуллари. Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий

ҳисобни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари. *Ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиладиган ўлчов бирликлари ва дастлабки ҳужжатлар*. Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Экспорт-импорт операциялари тўғрисида тушунча

Экспорт операциялари тўғрисида тушунча. Импорт операциялари тўғрисида тушунча. Халқаро ҳисоб-китобларнинг шакллари. *Божхона тўлови ва тартиби*. Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш меъёрий ҳужжатларининг тўплами. Экспорт-импорт операцияларини расмийлаштириш тартиби. Реэкспорт операциялари. Реимпорт операциялари.

Экспорт операцияларининг ҳисоби

Экспорт операциялари ҳисобининг вазифалари, предмети ва объекти. Экспорт операцияларига қўйиладиган талаблар. Экспорт операцияларини баҳолаш. Экспорт товарлари қийматининг шаклланиши. Экспорт товарларини жўнатиш тартиби ва усуллари. Экспорт операцияларини ҳисобга олишдаги сётлар тизими ва уларни боғланиши.

Ортиб жўнатиш экспорт товарлари (хизматлари) ҳисоби

Хорижга жўнатилаётган экспорт товарлари баҳосининг шаклланиш тартиби ва ҳисоби. Ортиб жўнатиш экспорт товарлари бўйича ҳисоб-китоб турлари ва шакллари. Божхона бождарини тўлаш тартиби ва ҳисоби. Экспорт товарларини жўнатиш бўйича дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби. *Экспорт товарларини сотишдан тушган маблағларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш*. Сотилган маҳсулотни ҳисобга олиш усуллари. Бартер операциялари ҳисоби. Экспорт товарларини нақд пулга сотиш операциялари ҳисоби. Кредитга сотилган экспорт товарлари ҳисоби.

Экспорт операциялари бўйича харажатлар ҳисоби

Харажатларнинг гуруҳланиши. Экспорт товарлари таннархи ҳисоби. Устама харажатлар ҳисоби. Экспорт товарлари (хизматлари) таннархининг шаклланиш тартиби. Экспорт товарлари (хизматлари) бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш усуллари. *Экспорт операциялари бўйича молиявий натижаларни аниқлаш усуллари*. Экспорт операциялари бўйича молиявий натижаларни ҳисобга олиш.

Экспорт операциялари бўйича хорижий харидорлар билан ҳисоб-китоблар
Ҳисоб-китоб шакллари ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш. Хорижий харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг шакллари. Экспорт товарларни нақд пулга етказиб беришни ташкил этиш. *Товарларни воситачи ташкилотлар орқали экспорт қилиш.* Хорижий харидорлар ва воситачи ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва юритиш.

Импорт товарлари (иш, хизматлари) ҳисоби

Импорт операциялари ҳисобини ташкил этиш. Импорт операциялари ҳисобини юритишнинг предмети, объектива вазифалари. Импорт товарлар (иш, хизматлар)ига қўйиладиган талаблар. *Импорт товарлари қийматининг шаклланиши.* Импорт товарларининг кирим қилиниши тартиби. Импорт операцияларини ҳисобга олишдаги счётлар тизими ва уларнинг ўзаро боғланиши.

Импорт операциялари бўйича харажатлар ҳисоби

Импорт товарлари бўйича харажатларнинг турлари. Импорт божхона тарифларининг шаклланиши. Импорт операциялари бўйича харажатлар ва уларнинг қопланишини ҳисоби. Импорт операциялари бўйича устама харажатлар ҳисоби ва уларни тақсимлаш усуллари. Импорт товарлари баҳосининг шаклланиши ва ҳисоби.

Импорт товарлари юзасидан хорижий мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар.

Импорт товарлари юзасидан ҳисоб-китобларнинг турлари ва шакллари. Импорт товарларни нақд пулга кирим қилиш ҳисоби. Тижорат кредити шароитида импорт усқуналарини сотиб олиш бўйича операциялар ҳисоби. Импорт операцияларини воситачи орқали сотиб олиш ҳисоби. Импорт операцияларининг бартер усули. Импорт операциялари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда валюта операцияларини ҳисобга олиш

Валюта операциялари ҳақида тушунча, уларнинг корхона фаолиятини ривожланишидаги вазифаси ва аҳамияти. Банкда валюта счётини очиш тартиби. Хорижий валюталарни қайта баҳоланишини ҳисоби. Валюта операцияларини ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда расмийдаштириш тартиби. Валюта операциялари ҳисобини ташкил этиш. Валюта операцияларини ҳужжатлаштириш. Валюта курси фарклари ҳисоби.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича молиявий натижалар ҳисоби

Экспорт ва импорт операциялари бўйича молиявий натижаларни шакллантириш тартиби. Молиявий натижаларни аниқлаш усуллари. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби. Молиявий натижаларнинг тақсимланиши. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича олинган молиявий натижаларни ҳисоботда акс этириш.

3. АМАЛИЙ ВА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Ташқи иқтисодий фаолиятда олиб бориладиган ҳисоб сиёсати

Ҳисоб сиёсати тўғрисида тушунча. Бухгалтерия ҳисобининг I-миллий стандарти ва унинг аҳамияти ҳамда мазмуни*. Ҳисоб сиёсатининг корxonани бошқаришдаги вазифаси ва ўрни. Ҳисоб сиёсатига таъсир этувчи омиллар.

Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари

Фаннинг предмети, объекти ва усуллари. Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобни ташкил қилишнинг назарий ва услубий асослари*. Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисобни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Экспорт-импорт операциялари тўғрисида тушунча

Экспорт операциялари тўғрисида тушунча. Импорт операциялари тўғрисида тушунча. Халқаро ҳисоб-китобларнинг шакллари. Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишда меъёрий ҳужжатларининг тўплами*. Экспорт-импорт операцияларини расмийлаштириш тартиби. Реэкспорт операциялари.

Экспорт операцияларининг ҳисоби

Экспорт операциялари ҳисобининг вазифалари, предмети ва объекти. Экспорт операцияларига қўйиладиган талаблар. Экспорт операцияларини баҳолаш. Экспорт товарлари қийматини шаклланиши*. Экспорт операцияларини ҳисобга олишдаги сётлар тизими ва уларни боғланиши.

Ортиб жўнатилган экспорт товарлари (хизматлари) ҳисоби

Хорижга жўнатилаётган экспорт товарлари баҳосининг шаклланиш тартиби ва ҳисоби. Ортиб жўнатилган экспорт товарлари бўйича ҳисоб-китоб турлари ва шакллари. Божхона бождарини тўлаш тартиби ва ҳисоби. Экспорт товарларини жўнатиш бўйича дастлабки ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби*. Бартер операцияларини ҳисоби. Экспорт товарларини нақд пулга сотиш операцияларини ҳисоби. Кредитга сотилган экспорт товарларини ҳисоби.

Экспорт операциялари бўйича харажатлар ҳисоби

Харажатларни гуруҳланиши. Экспорт товарлари таннархини ҳисоби. Устама харажатлар ҳисоби. Экспорт товарлари (хизматлари) таннархини шаклланиш тартиби. Экспорт товарлари (хизматлари) бўйича харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш усуллари*. Экспорт операциялари бўйича молиявий натижаларни ҳисобга олиш.

Экспорт операциялари бўйича хорижий харидорлар билан ҳисоб-китобларни ҳисоби

Ҳисоб-китоб шакллари ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш. Хорижий харидорлар билан ҳисоб-китобларнинг шакллари. Экспорт товарларни нақд пулга етказиб беришни ташкил этиш*. Хорижий харидорлар ва воситачи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш.

Импорт товарлари (иш, хизматлари) ҳисоби

Импорт операциялари ҳисобини ташкил этиш. Импорт операциялари ҳисобини юритишни вазифалари, предмети ва объекти. Импорт товарлар (иш, хизматлар)ига қўйиладиган талаблар*. Импорт товарларини кирим қилинишини тартиби. Импорт операцияларини ҳисобга олишдаги счётлар тизими ва уларнинг ўзаро боғланиши.

Импорт операциялари бўйича харажатлар ҳисоби

Импорт товарлари бўйича харажатларнинг турлари. Импорт божхона таърифларининг шаклланиши. Импорт операциялари бўйича харажатлар ва уларни қопланишини ҳисоби. Импорт товарлари баҳосини шаклланиши ва ҳисоби*.

Импорт товарлари юзасидан хорижий мол етказиб берувчилар билан қисоб-китоблар

Импорт товарлари юзасидан ҳисоб-китобларнинг турлари ва шакллари. Импорт товарларни нақд пулга кирим қилиш ҳисоби. Импорт операцияларини воситачи орқали сотиб олишнинг ҳисоби*. Импорт операцияларининг бартер усули. Импорт операциялари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда валюта операцияларини ҳисобга олиш

Валюта операциялари ҳақида тушунча, уларнинг корхона фаолиятини ривожланишидаги вазифаси ва аҳамияти. Валюта счётини банкда очиш тартиби. Хорижий валюталарни қайта баҳоланишини ҳисоби*. Валюта операциялари ҳисобини ташкил этиш. Валюта операцияларини ҳужжатлаштириш. Валюта курси фарқларининг ҳисоби.

Ташқи иқтисодий фаолият бўйича молиявий натижалар ҳисоби

Экспорт ва импорт операциялари бўйича молиявий натижаларни шакллантириш тартиби. Молиявий натижаларни аниқлаш усуллари. Молиявий натижаларни ҳисобга олиш тартиби.* Ташқи иқтисодий фаолият бўйича олинган молиявий натижаларни ҳисоботда акс эттириш.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Фанни ўрганишда магистрантлари амалий ёрдам тариқасида «Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисоб» фани бўйича қўлланиладиган турли хил шакл, чизмалар, слайдлар билан таъминланади ва фойдаланилади.

Магистрантлар «Ташқи иқтисодий фаолиятда молиявий ҳисоб» фанини ўрганишда ахборот воситаларидан, яъни Интернет тизимидан ҳам кенг фойдаланади. Унда қуйидаги сайт ва электрон почталар мавжуд:

1. <http://www.apb.org.uk> (Auditing Practices Board)
2. <http://www.nao.gov.uk> (UK National Audit Office)
3. <http://www.iaa.org.uk> (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
4. <http://www.iasc.Org.uk> (International Accounting Standards Committee)
5. www.uza.uz- (Ўзбекистан миллий ахборот агентлигининг турли соҳаларга дойр кундалик янгиликлари)
7. www.cer.uz- (Иқтисодий изланишлар маркази)
8. www.pravo.eastink.uz- (Иқтисодий қонунлар тўплами)
9. www.referat.uz- рефератлар тўплами ва бошқалар.

Шунингдек, республикада чоп этилган газета ва журналлардан мутахассисликка доир материаллар олинади.

1.ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турларда амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ҳамда ОБ турлари ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70%) ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедра қарори билан мавзунинг мураккаблиги ва зарурийлигига қараб қуйидаги мезонлар бўйича тақсимланади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича манбаларни конспектлаштириш;
- долзарб мавзуларда рефератлар ёзиш;
- илмий тезис (мақола)лар тайёрлаш, илмий-услубий анжуманларда чиқишлар қилиш;
- илмий адабиёт ва изланиш натижаларига аннотациялар ёзиш;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариш;
- хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни таржима қилиш;
- фан бўйича кўргазмали қуролларни тайёрлаш;
- фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича магистрантларнинг назарий билимларини баҳолаш.

ЯБда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистрантнинг билим даражаси баҳоланади.

ЯБга ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30% миқдоридан белгиланади. Барча фанлар бўйича ЯБ босқичи ёзма иш усулида ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган (ёзма иш) ни ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида «ёзма иш» усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом» билан белгиланади.

ОБ ёзма иш усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, химоя ва ҳоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Деканат (марказ) белгиланган тартибда фан бўйича магистрантнинг ЖБ, ОБ ва ЯБдаги ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил этиб боради ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклда қайдномаларда акс эттиради.

Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Олий таълим муассасаси фанлар учун баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш механизмларини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича максимал баллнинг 55 ва ундан юқори фоизини тўплаган магистрант **"қониқарли"** ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган магистрант **"қониқарсиз"** ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1991.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулот (иш, хизмат)лар кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига қўшиладиган харажатлар таркиби ҳақида Низом». -Т.: 1999.
7. "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 1997 йил 15 январдаги 5-сонли бўйруғига асосан тасдиқланган «Корхоналарни чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари тўлғазиш бўйича кўрсатма». -Т.: 1997 .
8. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг режаси. -Т.: 2002.
9. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. -Т.: 1998-1999.
10. Марказий банкнинг 1998 йил 28 март 35-сонли "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартиби".
11. Бобожонов О., К.Жуманиёзов Финансовый учет, -Т.: 2001.
12. Кассовые документы. -М.: Финансы и статистика, 1999.
13. Меренков Н.Л. Международные стандарты бухгалтерского учета. -М.: 2000.
14. Астахов А. Экспортные и импортные операции. -М.: Экспортное бюро, 1996 .
15. Астахов А. Бухгалтерский учет во внешнеэкономической деятельности. -М.: Экспортное бюро, 1999.
16. Умарова М., Эшбоев У. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Меҳнат, 1999.
17. Ғуломова Ф.Г. Бухгалтерия ҳисоби бўйича амалий қўлланма. -Т.: 1999.
18. Голубович А.Д. и др. Валютные операции в коммерческих банках. -М.: 1994.
19. Ширинская З.Г. и др. Бухгалтерский учет и операционная техника в банках. -М.: 1996.

Қўшимча адабиётлар

- 1. Гадоев Э.Ф., Хасанов Н.Х. Бошловчилар учун бухгалтерия ҳисоби. -Т.: 1996.**
2. Гадоев Э.Ф., Югай Л. Намунавий бухгалтерия проводкаларида сўтлар (ҳисобварақлари) режасини қўллашга доир тавсиялар. -Т.: 1997.
3. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини қўллашга тавсиялар. № 3, № 4. -Т.: 1997.
4. Лазарева Н.М. Альбом схем документов и регистров по бухгалтерскому учету. -М.: Экспортное бюро, 1997.
5. Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон, 1993.